


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**5111000 - Касб таълими (5230700-Банк иши)**  
**бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил «6» апрел даги 137 - сонли буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
2. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2. <i>5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	10

**1. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва мос малака(даража)си ҳамда фан дастурининг меъёрий муддати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ҳамда битирувчиларнинг малака(даража)си**

<b>Ўқув режа ва фан дастурининг номи</b>	<b>Малака (даража)</b>	<b>Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати</b>
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

–мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

–таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

–ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

–битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;

–олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

–таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолнятларининг тавсифи

**1.2.1. 5111000 – Касб таълими (5230700 – Банк иши)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолнятининг соҳалари:

**5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва банк-молия соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, банкларнинг фаолияти, уларнинг актив ва пассив операциялари, банкларда бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит

фаолиятини ташкил этиш, банкларнинг портфел ва кредит рисклари ва уларни бошқариш ишлари, банкларнинг истиқболлини белгиловчи ва илмий-тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилган тамойиллар, усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) таълим йўналиши йўналишлари бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги;
- умумий ўрта таълим муассасалари;
- ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- тегишли вазирлик ва идоралар;
- тижорат банклари;
- нобанк кредит ташкилотлари;
- бюджетдан ташқари жамғармалар;
- инвестиция ва суғурта ташкилотлари;
- аудиторлик ташкилотлари;
- акциядорлик жамиятлари;
- давлат ҳокимияти органлари;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;
- биржалар;
- қўшма корхоналар;
- молия-банк соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;
- молия-кредит бозорларида фаолият юритувчи муассасалар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

• ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари учун иқтисодий фанлардан ўқув-услугий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;

• ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид иқтисодий фанларни ўқитиш;

• педагогик ва психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ўқув жараёнида татбиқ этиш;

• кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптимallasштириш, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш;

• мамлакатимиз ва чет эл мамлакатларининг банк-молия соҳасига оид назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлиш;

• банк-молия соҳасига оид маҳаллий ва халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таниш бўлиш ва ўқув жараёнида фойдалана билиш;

• таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

• банклар фаолиятини ташкил этиш;

• банклар фаолиятини ривожлантиришда мавжуд тамойилларни татбиқ этиш;

• банк соҳасида жараёнларни таҳлил этиш;

• банклар фаолиятини самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

• банклар фаолиятини ривожлантириш бўйича йўналишларни ишлаб чиқиш;

• банклар фаолиятини режалаштириш, унинг назорати ва аудитини ташкил этиш ;

- банклар фаолияти самарадорлигини аниқлаш;
- банклар фаолиятининг самарадорлиги юзасидан хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

### **1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *Педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*
- *Молиявий-иқтисодий;*
- *Ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *Ташкилий-бошқарув;*
- *Илмий-тадқиқотни ўз ичига олади.*

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5A230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича);*

*5A230702 – Банк ҳисоби ва аудит*

*5A110001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича)* магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):**

- ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;

- мустақил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- банк-молия соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- банк-молия соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини қидириб топиш;

- банклар фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллларини қўллаш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- банк-молия соҳасида жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-ҳўжалик фаолияти ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;

- банк-молия соҳаси ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини таҳлил қилиши;

- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- банк-молия соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва

татбиқ қилиш;

–банк-молия соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

–ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

–банк-молия соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро ҳамда миллий талабларга мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

–касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

–банк-молия соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш;

–ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига инновацион таълим ва бошқарув технологияларини жорий этиш қобилиятига эга бўлиши керак **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

–илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

–интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

–таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқлари билан танишиш;

–илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

–маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

–тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

–илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**3. 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларн мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:**

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.



### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

–умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

–табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истикболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

–таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

–коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим;

#### **Умумкасбий фанлар блоки:**

–математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

–таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

–таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

–статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

–меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши;

–жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

–режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

–бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

–иш жойини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

–меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

#### **Ихтисослик фанлар блоки:**

–тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

–инсон капиталига киритилган инвестициялар самарасини баҳолаш ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиши;

–меҳнат бозори конъюктураси ва унинг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиши;

–таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашиши лозим.

#### **Қўшимча фанлар блоки**

–таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

–меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

–таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

–қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

#### **3.2. 5111000 – Қасб таълими (5230700-Банк иши) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумқасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
қўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқув цикли, педагогика, педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари, касб таълими педагогикаси, касбий таълим дидактикаси, педагогик технологиялар, психология, касбий психология, жамият ва шахс, шахснинг индивидуал хусусиятлари, характер, темперамент, педагогик фаолият психологияси, педагогик психология, тадбиркорлик ва бизнес психологияси, замонавий таълим бериш қонуниятлари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, педагогик назорат, банк, банк тизими, тижорат банкларининг ликвидлиги, тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилиги, банк ресурслари, банк пассивлари, банк активлари, кредит сиёсати, банк даромади, банк харажатлари, банк фойдаси, кредитга лаёқатлилик, қисқа муддатли кредитлаш, узоқ муддатли кредитлаш, кредитнинг таъминланганлиги, банкларнинг депозит операциялари, инвестиция портфели, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, банклараро корреспондент муносабатлар, факторинг, лизинг, қимматли қоғозлар, валюта, фоиз сиёсати, риск, банк хизматлари, нобанк ташкилотлар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, банк баланси, банклараро ҳисоб-китоблар, капитал қўйилмалар, касса, эмиссия, кассавий ижро, банк бухгалтерия ҳисоботлари, валюта тизими, валюта муносабатлари, валюта курси, валюта операцияси, валюта сиёсати, халқаро ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоб баланси, тўлов баланси, халқаро кредит, валютавий кризис, ташқи савдо, Марказий банк мустақиллиги, пулга бўлган талаб, пул таклифи, инфляция, очик бозор операциялари, қайта молиялаштириш сиёсати, мажбурий захиралар сиёсати, пул-кредит сиёсати, монетар сиёсат, касса обороти прогнози, эмиссия-касса операциялари.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимий

Ривожлантириш маркази

Директор  Б.Х.Раҳимов

2016 йил « 11 » феврал

М.Ў.

Тошкент молия институтини

Ректор  Б.А.Бегалов

2016 йил « 10 » феврал

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Тошкент давлат педагогика университетини

Ректор  Ш.С.Шарипов

2016 йил « 24 » феврал

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  М.Р.Болтабоев

2016 йил « 24 » феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  
Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази

Директор ўринбосари  З.Худойбердиев

2016 йил « 24 » феврал

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими  
Марказининг Тошкент молия институтига тайёрланаётган 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши)  
бакалаврият таълим йўналишига қўйилган талаблари(касбий компетенция талаблари)**

т/р	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг касб-хунар коллежлари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши		Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши) бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетенция талаблари)
	шифри	номи	
1	5111000	Касб таълими (5230700-Банк иши)	<p><b>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълимга оид бошқа қонун ҳужжатларини;</li> <li>– ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг меъёрий–ҳуқуқий ва ўқув–режалаштириш ҳужжатларини;</li> <li>– дарс берадиган фанининг мазмуни ва моҳиятини;</li> <li>– фанлар бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш методикасини;</li> <li>– замонавий ва самарали назорат методлари, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва фаоллигини баҳоловчи рейтинг тизимини;</li> <li>– педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёшлар психологияси ва физиологиясини;</li> <li>– ўқув жараёнида фойдаланадиган (ўқитиш) воситаларини ва замонавий педагогик технологияларни амалда қўллашни;</li> </ul>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>– маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифаларини, ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш усулларини, мулоқот суҳбатлар ва муомала маданияти масалаларини;</li> <li>– меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги ва гигиена талаблари, ўқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлашга қўйиладиган талабларни;</li> <li>– хорижий тиллардан бирининг камида бошланғич босқичини;</li> <li>– ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;</li> <li>– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;</li> <li>– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;</li> <li>– ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тегишли фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш;</li> <li>– ўқув машғулотлари давомида ўқитишнинг ноанъанавий методларидан фойдаланишни ҳамда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни қўллаш олиш;</li> <li>– ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;</li> <li>– ўқув машғулотларини ўтказишда ўқитиш воситаларидан фойдалана</li> </ul>
--	--	--	--

			<p>олиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;</li> <li>- ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштириш;</li> <li>- ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчиларининг битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- касбий таълим сифатини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;</li> <li>- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ва бошқалар.</li> <li>- банк соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қоиунлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>- банк соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини қидириб топиш;</li> <li>- банклар фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;</li> <li>- банк соҳасида жараёнларни ҳисобга олиш ҳамда корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолияти ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш ва бошқалар.</li> </ul>
--	--	--	---

**“Касбий таълим” кафедраси мудири**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус**  
**таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар**  
**таълими Маркази директор ўринбосари**

**Тошкент шаҳар иқтисодиёт колледжи**

**Тошкент банк коллежи**



*[Signature]* **А.А.Омонов**

*[Signature]* **З.Я.Худайбердиев**

**О.Т.Ярашев**

**А.Н.Махмудов**

Тошкент молия институтининг 5111000-Касб таълими (5230700-Банк иши)  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув  
режаларининг ишлаб чиқарувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“24” феврал 2016 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Тошкент молия институти проректори  
О.Ортиқов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Маркази директор ўринбосари  
З.Я.Худайбердиев 5111000-Касб таълими (5230700-Банк иши) таълим  
йўналиши бўйича тайёрланган малака талаби мазмуни билан танишиб,  
келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

### 1. 5111000-Касб таълими (5230700-Банк иши)


Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016  
йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон  
буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий  
ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда  
